

ТУРКИСТОНДА
ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ
ОЧИЛАДИ(МИ?)

2-бет

ОЛТИН
КУЗНИНГ ОЛТИН
ЛАҲЗАЛАРИ

3-бет

МАҲКАМБОЙ ОТА
ЎФИЛЛАРИ
ИБРАТИ

4-бет

»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил



ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН – ЯНГИ ҲАЁТ ДЕМАҚДИР

Мустақиллик – бебаҳо бойлик. Барчамиз уни кўз қорачигидек асрамоғимиз лозим. Мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш муқаддас бурчимиздир.

Қасим-Жўмарт ТҶҚАЕВ.

XX аср халқимиз озодлиги, Эркинлиги, истиқлол ва мустақиллики инъом этиб, Ватан тақдирини бизнинг қўлимизга топширди.

Ватанимиз тарихида илк бор ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан бориб, жуда улкан ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширди.

2023 йил Қозоғистон халқи учун қутлуг қадамлар билан кириб келди.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев «Адоллатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши» Мақтубида Қозоғистон учун янги иқтисодий йўналишни белгилаб берди. Унинг муваффақияти «Қучли президент – самарали парламент – ҳисобдор ҳукумат» тамойилининг янада мустақамланишига боғлиқ эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Қ. Тўқаев йил давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қадамлар қўйилгани, қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш борисида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Давлат раҳбари чинакам ривожланган давлатга айланиш учун сиёсий ислохотларни чуқур ва кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан уйғунлаштириш зарурлигига ишонч билдирди.

Юртбоши Қозоғистон Ҳукумати зиммасига ишлаб чиқариш ва тоғ-кон саноати, ҳарбий-саноат мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва логистика, молия, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш, сув захиралари, ижодий саноат ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш вазифасини юклатди. Президент, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш, иқтисодиётни яққақоқимликдан чиқариш, макроиқтисодий сиёсатни қайта кўриб чиқиш, солиқ тизими, бюджет сиёсати ҳамда маъмурий бошқарув тизimini ислох қилиш бўйича асосий ташаббусларни эълон қилди.

«Янги иқтисодий сиёсат доирасида узоқ муддатли муваффақият мақсадларни белгилаш амалиятдан воз кечилади. Ҳозирги босқичда энг муҳим вазифа – мамлакатнинг мустақам саноат базасини шакллантириш, иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи таъминлашдир. Шу боис асосий эътиборни бу борадаги ишларга қаратиш, ишлаб чиқариш соҳасини жадал ривожлантириш лозим. Мамлакатимиз ҳаётини чинакам ўзгартирувчи қатор лойиҳаларни амалга оширишимиз керак. Иқтисодиётни ранг-баранглаштириш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда», деди Давлат раҳбари.

Шунингдек, у Мақтубида белгиланган барча вазифалар уч йил давомида яқунланиши, энг мураккаблари бўйича бошқа аниқ муддатлар белгиланишини таъкидлади.

Президент Мақтубида ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётган туб ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш асосий эътибордаги ишлардан бири эканлиги таъкидланди.

Мустақиллик туфайли юртимиз жаҳоннинг 150дан ортиқ давлатлари томонидан тан олинди, БМТга аъзо бўлди ва жаҳоннинг юзлаб давлатлари билан дипломатик ва Консуллик муносабатлари ўрнатилди.

Россия, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Англия, Франция, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Япония, Италия, Индонезия, Покистон ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар билан қўшма корхоналар ташкил этилди. Савдо-сотик ривожланди.

(Давоми 2-бетда.) ►

»» Обуна–2024



Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғидаги «Вундеркинд» хусусий гимназияси жамоаси 2024 йилнинг биринчи ярми учун «Жанубий Қозоғистон» газетасига обунани уюшқоқли ташкил этишди.

Жонкуярларимизга таҳририят номидан миннатдорчилик билдираимиз!

З. МҮМИНЖОНОВ.

6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ҲЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Жанубий Қозоғистон



1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 14 ноябрь, сешанба, №126 (3322).

»» Президент

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ВА ҲОЯЛАР ДАВРИ



Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида Хавфсизлик Кенгашининг йиғилиши ўтди. Тадбирда мамлакатнинг транспорт-логистика салоҳиятини юксалтиришда юзага келадиган стратегик вазифалар муҳокама қилинди.

Давлат органлари ва миллий компаниялар раҳбарлари юкларни темир йўл, автомобиль, денгиз, ҳаво транспорти, шунингдек, қувур орқали ташиш йўналишларида тез-тез учраб турадиган муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Давлат раҳбари транзит юк

ташиш, жумладан, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши орқали ташишни ривожлантириш долзарблигига эътибор қаратди. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш учун транспорт салоҳиятини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бунинг учун инфратузилмавий чекловлар ва бошқа тўсиқларни барта-

раф этиш, транспорт-логистика хизматлари сифатини ошириш, тарифларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш зарур.

Давлат раҳбари мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчилик ролини сақлаб қолиш, Қозоғистонни ишончли транзит хаб сифатида ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Учрашувда алоқа ва юкларни етказиб беришнинг муқобил йўналишларини ишлаб чиқиш, етказиб беришни ранг-баранглаштириш зарурлиги таъкидланди.

Юртбоши бу ишларни амалга

оширишда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий корхоналарни кенг жалб этиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Йиғилишда саноат, экспорт ва транзит салоҳиятини янада ривожлантириш, инфратузилма қуришнинг замонавий андазаларини жорий этиш, транспорт-логистика соҳасининг иқтисодиётга ижобий таъсирини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Akorda.kz.

»» «Южный Казахстан» газетаси ташкил этган халқаро романсида танловига – 25 йил

Чорак аср муқаддам илк бор Шимкент шаҳрида «Южный Казахстан» газетаси раҳбари Юрий Кирюхин ташаббуси билан ташкил этилган халқаро «Қозоқ романсида» танлови ёш истеъоддорларни кашф этишда улкан ҳисса қўшмоқда. Вилоят славян этномаданият бирлашмаси раҳбари, «Южный Казахстан» газетаси бош муҳаррир – директори Марина Лимаренко ҳамда ҳакамлар ҳайъати раҳбари, Россияда хизмат кўрсатган артист Галина Преображенскаянинг саъй-ҳаракатлари билан йигирма бешинчи марта ўтказилаётган халқаро романсида танловига Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Россиянинг Москва шаҳридан жами 160дан зиёд турли ёшдаги санъаткор иштирок этди.

Санъатнинг бирлаштирувчи қудратини



Шимкент шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган халқаро танлов ғолиблари – тошкентлик Фирдавс Юсупов билан оқсувентлик Муродали Сердали келаси йили 13 апрелда Москва шаҳрида ўтадиган жаҳон танловига йўлланма олишди. Якуний ҳисобот концерт аввалида вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Азимхан Қўлибаев ҳамда «Южный Казахстан» газетаси раҳбари Марина Лимаренко томошабин ва санъаткорларни қутлаб, саҳнага Москвадан келган ҳакамлар ҳайъати раисаси

Галина Преображенскаяни чорлаб, вилоят ҳокимлиги номидан ташаккурнома ва гулдастани таштанали тақдим этишди.

Туркистон вилояти марказида ўтган, қозоқ ва рус тилларида ижро этилган романслар якуни бўйича ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, йигирма бешинчи халқаро романсида ғолиби, деб топилган иқтидорли санъаткорлар билан танишинг. Учунчи ўринни Алихан Бейсеков (Алмати), Амангелди Ердаулет (Шимкент), Қалдар Қадирбек, Абдуллозода Шерзод (Душанбе) эгаллашди.

Иккинчи ўринга Салтанат Муратқизи (Алмати), Муҳаммадйосиф Абдуқодиров (Фарғона), Мухтар Ахметов (Алмати), Аружан Қўсаинова (Алмати), биринчи ўринга эса Дилъра Дуйсекеева (Кўкчатов) ҳамда Абдулла Саят (Алмати), Жулдиз Байжума (Алмати), Алиш Бибарис (Астана) муносиб деб топилди. Бош совринни эса Тошкентдан ташриф буюрган юксак маҳорат соҳиби Отабек Назиров энгиб олди.

Танлов ташкилотчиси М. Лимаренко халқаро анжуманнинг юксак савияда ўтишига ҳиммат

кўрсатган вилоят ҳокимлиги ҳамда турли давлатлардан келган нуфузли санъаткорларни «Карловсарой»да тайёрланган мазали «Чойхона палов» билан меҳмон қилган Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметовга, анжуманга келган ҳаммаси «Жанубий Қозоғистон» бош муҳаррир – директори Райимжон Алибоевга самимий миннатдорчилик билдирди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа. Муаллиф суратга олган.

СПОРТ МАЙДОНИ ВА КУРАШ ЗАЛИ

Ўтрор тумани Темир қишлоғидаги «Темир» умумий ўрта мактаби ҳудудида кураш зали очилди. Ушбу ташаббусга туман маслаҳати депутати Ардақ Амзе ҳомийлик қилди.

Кўп йиллардан буён бўш турган собиқ ўқув биноси таъмирланиб, кураш зали сифатида фойдаланишга топширилди.

Тадбирда туман ҳокими Сакен Асилханули ва туман маслаҳати раиси Уали-

хан Жамалханули ҳамда туман маслаҳати депутатлари иштирок этди.

Сўнг Шаулдир ва Кўкмардан қишлоғини улаб турадиган осма кўприк атрофида очиқ спорт майдони фойдаланишга топширилди. Тадбирда туман жамоатчилик кенгаши раиси Жалғасбай Қўлбай аҳоли учун зарур иншоотнинг қурилишига ҳомийлик қилиб, эл олқишига сазовор бўлган халқ ноибларига миннатдорчилик билдирди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев бир гуруҳ фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди. Ҳоким муовини кўтарилган масалаларни жадал ҳал қилишга ҳаракат қилди.

Жумладан, Тулкибош тумани, Т. Рискулов қишлоғидан келган фуқаро туман марказий касалхонаси бош шифокорининг ҳаракатларидан шикоят қилди. Фаррошлик қилаётган фуқаронинг аризаси ҳозирги кунда текширилмоқда. Чунки у ушбу масала билан аввал ҳам муносабат қилган эди.

Алмати шаҳридан келган ариза соҳиби шифокор сифатида хизмат кўрсатган отасининг номини Саврон туманидаги кўчалардан бирига беришни сўраса, Туркистон шаҳри фуқароси мусиқа мактабини очиб (шахсий биноси бор)га ёрдам сўради. Қазигуртлик фуқаро тумандаги мактабларда қоровул хизматида эълон қилинган танловга доир шикоят қилди. Тўлебий тумани фуқароси УВУда иштирок этиб, ҳалок бўлган фахрийларни Қозоғистоннинг тарихий шахслари рўйхатига киритиш масаласини илгари сурди.

Шахсий қабулда мутасадди бошқарма вакиллари иштирок этди. Вилоят ҳокими ўринбосари соҳа вакилларига баъзи масалаларни қонун доирасида кўриб, ижобий ҳал қилишни топширди.

ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН – ЯНГИ ҲАЁТ ДЕМАҚДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эндиликда нефть маҳсулотларимиз пахтаимиз, олтинимиз ва қимматбаҳо металлларимиз Транскаспий йўналиши орқали Европа, Узоқ Шарқ ва бошқа давлатларга етиб бормоқда, дунё моллари ҳам бизга шу тариқа етказилмоқда.

Мустақиллик диний эзгуликка катта қулайлик яратди. Диний эътиқод ҳуқуқий ҳам амалий жиҳатдан кафолатланди. Мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж ва Умра сафарларини амалга ошириш учун имконият ва имтиёзлар яратилди. Юзлаб масжидлар қурилди. Исломулаомлари телевидение ва радиода мунтазам чиқишлар қила бошладилар.

Шунингдек, мамлакатимизда диний кадрларнинг тиклаши борасида ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Жаҳон ва анъанавий динлар етакчилари съездининг юртимизда ўтказилиши бежиз эмас. Мустақиллик йилларида Қозоғистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган, динлараро ва конфессиялараро мулоқот ва ҳамжиҳатликда муваффақиятлар эриштирилган ноб тажрибасига эга демократик, дунёвий, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат сифатида шаклланди.

Мамлакатимизда ҳамжиҳатлик, тотувлик ва тинчлик – юртининг бебаҳо қадрияти бўлиб, бош тамойилимиз – ранг-баранглик бирлигидир.

Юртимизда давлат-конфессиявий муносабатларнинг дунёвий модели мавжудлиги боис, тили ва диний эътиқодидан қатъиназар, барча фуқаролар қонун олдида тенгдир, ҳар бир фуқаронинг диний эътиқодини ҳурмат қилиш тамойили мавжуд. Конституцияда Қозоғистон дунёвий давлат сифатида белгиланган. Қозоғистоннинг тарихий заминиде асрлар давомида турли маданият, дин ва анъаналар учрашиб келганини таъкидлади. Натижда 140дан ортиқ элат ва 40дан ортиқ конфессия вакиллари тинч-тотув яшаш учун шароит яратилди.

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII съезди ёпилиш маросимида съезд декларациясининг аҳамиятига тўхталди ва съезд декларацияси халқаро фойдаланишга лойиқ ҳужжат эканлигини таъкидлади.

XIX аср охири ва XX асрнинг 20-30 йилларида яшаб ўтган, бироқ ҳақсиз равишда унутиб юборилган, мустамлакачи, мафкура ва мустабид тузум шароитида тўхматга учраб, қатагон қилинган халқимиз фарзандларининг шарофли номларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўз нутқларининг бирида шундай деган эди: "Мустақиллик пойдеворида халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатагонга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлар тамал тошларини кўйган. Шунинг учун ҳам, мустабидлик замонда халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари босқичма-босқич тикланаяпти".

Мустақиллик туфайли Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш борасида савоб ишларга йўл очилди. Мамлакатимиз ҳукумати, шахсан Президентимиз Қ. Тўқаев истиқлол жонқуярлари тақдирига доимо эътибор қаратиб келаётганлиги нур устига нур бўлмоқда. Натижда, мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлар учун ноҳақ айбаниб, турли жазо ва тазийларга мажбум этилган ватандошларимизнинг исм-шарифи аниқланган ҳолда, таржимаи ҳоли, фаолияти ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда қатагон қилинган юртдошларимиз фаолияти, уларнинг жожиали қисматини ёритувчи кўплаб тадқиқотлар яратилди. Буларни яратишга тарихчи, адабиётшунос, файласуф олимларимиз катта ҳисса қўшишди.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида турли соҳаларда улуг ишлар қилинди. Ҳар жиҳатдан ўзини англаётган эл улуг бунёдкорлик ишларига киришиб кетди. Ўтган 5 йил мобайнида вилоятимиз маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди. Нафақат кўчалар ва хиёбонлар, бу даврда жамият ва одамлар ҳам ўзгарди, юртдошларимиз эркин фикрлай бошлади. Ҳар кимнинг ўз вазифасига нисбатан масъулияти ортди. Шу билан бирга, ёшларда Ватанга садоқат ҳисси кучайди.

А. АБДУФАТТОҲ.

ТУРКИСТОНДА ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ ОЧИЛАДИ(МИ?)

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев Туркистонга хизмат сафари билан ташриф буюрган Қозоқ-Немис университети (die Deutsch-Kasachische Universität) президенти, профессор, фанлар доктори Вольрад Роммель билан учрашди. Унда Туркистонда мазкур университетни очиш тақлифи ва талаблари муҳокама қилинди.

Учрашувда Б. Тажибаев вилоят аҳолисининг 80 фоизи қишлоқларда яшашини айтди. Демак, биринчи навбатда аграр соҳада мутахассислар тайёрлаш зарур. ИТ соҳасида ҳам мутахассисларга талаб кучли. Сўнги беш йилда вилоятимизда қатор хоризг университет ва институтларнинг филиалларини очиш юзасидан тақлифлар тушган. Учрашувда Вольрад Роммель бу борадаги ишларни икки мамлакат Ҳукуматлари ўртасидаги университетларни ривожлантириш шартномаси асосида юритилишини таъкидлади.



МУҲИМ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими девони раҳбари Еркеғали Алимқулов Қазигурт туманига хизмат сафари билан бориб, қурилиши давом этаётган иншоотларни кўздан кечирди.

Пудратчилар билан суҳбатлашган девон раҳбари мутасадди раҳбарларга йўл кўйилган камчиликлар юзасидан топшириқлар берди. Хизмат сафари давомида туман фаоллари билан учрашиб, маҳаллий аҳолини шахсий масалалари бўйича қабул қилди.

Туман аҳолисини сифатли инфратузилма билан таъминлаш мақсадида "Шарқ" кичик туманида 250 гектар майдонда муҳандислик-коммуникация тармоғининг қурилиши бошланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Е. Алимқулов учрашув якунида соҳа раҳбарлари билан муаммоларни муҳокама қилиб, уларни биргаликда бартараф этишга келишиб олинди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Кўшерев Сайрам туманига хизмат сафари давомида қуввати 1000 МВтгача алмашинув тартиби мавжуд буғ-газ станцияси базасида электр станциясининг қурилиши билан танишди. Лойиҳани вилоят ҳокимлиги ва "Самўрық-Қазына" ҲҲА амалга оширмоқда.

САЙРАМДА МЕГАЛОЙИҲА АМАЛГА ОШАДИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида тенги йўқ электр станциясининг қурилишига Сайрам туманидан 60 гектар ер ажратилди. Қурилиш 2024 йилда бошланиб, 2026 йилда ниҳоясига етади. Қурилиш даврида 2000дан зиёд вақтинча иш ўрни очилади. Лойиҳа тўлиқ ишга тушгач, 200 одам доимий иш билан таъминланади.

Мазкур электр маркази ишга тушгач, минтақада энергия тақчиллиги бартараф этилиб, янги корхоналар очилишига ижобий таъсир кўрсатади.

ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Туркистонда Қозоғистон ва Қирғизистонда хизмат кўрсатган арбоб, Қозоғистон Халқ артисти, профессор, Туркистон шаҳрининг мусиқали драма театри асосчиси ва биринчи бадий раҳбари Райимбек Сейтметовнинг 85 йиллиги муносабати билан илк бор ташкил этилган «РАЙМБЕК FEST» I Республика театр фестивали якунланди.

4 кун давом этган танловда мамлакатимизнинг турли минтақаларидан 11та театр жамоаси иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан «Томошабин арзандаси» номинацияси Нартай Бекежанов номидаги Қизилўрда вилоят қозоқ академик мусиқали драма театри актёрига, «Энг яхши эркак роли» номинацияси – Алматы шаҳридаги «Жаңа ғасыр» театрига, «Энг яхши ёрдамчи актёр» номинацияси – Жумат Шанин номидаги Шимкент шаҳар академик қозоқ драма театри актёрига, «Энг яхши иккинчи даражали актриса»



номинацияси – Асқар Токпанов номидаги Жамбил вилоят қозоқ драма театри актёрига, «Энг яхши аёл роли» номинацияси Нартай Бекежанов номидаги Қизилўрда вилоят қозоқ академик мусиқали драма театри актёрига, «Энг яхши эркак роли» номинацияси – Шахмет Қўсайинов номидаги Ақмўла вилоят қозоқ мусиқали ва драма театрининг актёри, «Замонавий мавзуни ўзлаштиргани учун» номинацияси – Абай вилоятининг «Дариғай» Семей ёшлар театрига,

«Энг яхши бадий қарор» номинацияси – Қурманбек Жандарбеков номидаги Жетисай драма театрига, «Энг яхши актёрлар гуруҳи» номинацияси – Бикен Римов номидаги Талдикўрган драма театрига, «Энг яхши режиссёр қарори» номинацияси Жамбил вилоят рус драма театрига, «Райимбек Сейтметов номидаги махсус мукофоти» номинацияси Райимбек Сейтметов номидаги Туркистон шаҳрининг мусиқали-драма театри жамоасига топширилди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларини оралаган «Шахмат карвони» лойиҳаси Туркистонда хотимланган.

Қозоғистон шахмат федерацияси ташаббуси билан йўлга қўйилган лойиҳанинг мақсади – ушбу ўйинни кенг омма орасида тарғиб қилиш. Мусобақанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев

“ШАХМАТ КАРВОНИ” ГРАНД-ФИНАЛИ ЎТДИ

иштирокчиларга муваффақият тилади. Мазкур гранд-финалда мамлакатимизнинг 18та минтақасидан 60 нафар шахматчи омадини синаб кўрмоқда. Мусобақанинг мукофот жамғармаси – 16 миллион тенге.

Бугунги кунда вилоятларда ҚР Шахмат федерациясининг бўлимлари очилиб, раҳбарлари тайинланган. Эндиликда вилоят ва шаҳарларда шахматга алоҳида эътибор қаратилади.

ЯНГИ МАКТАБ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Тулкибош тумани, Бақибек аҳоли манзилда 300 ўринли мактаб барпо этилмоқда. Бугунги кунда иморатнинг деворларини кўтариш ишларининг 90 фоизи поёнига етган.

Пудратчининг айтишича, келгуси икки ҳафтада унинг томини ёпишга киришади. Иншоотга туман раҳбари Нуржан Изтилеуов шахсан ташриф буюриб, қурилиш суръати билан қизикди. Унинг сифатли ва муддатиде якунланиши юзасидан қатор топшириқлар юқлаб, мактабга олиб борадиган йўлнинг ҳужжатларини расмийлаштиришни қишлоқ ҳокимига топширди.

ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОНГА МУКОФОТ

Келес туманидаги Б. Мўмишули номидаги 59-сонли умумтаълим мактаби кутубхонасида «Китобхон мактаб» лойиҳаси доирасида «Китоб мутлоаси танлови» ўтказилмоқда.

Энг яхши китобхон ўқувчиларга спорт велосипеди, планшет ва бошқа қимматбаҳо мукофотлар тақдим этилди. Лойиҳага хусусий тadbиркорлар – Марат Бекшўраев, Марат Қутимов, Сапархан Ахметов сингари эл оғалари ҳоимлик қилишмоқда. Мактаб директори Убайдулла Ералиевнинг айтишича, эзгу лойиҳага қизиққанлар сони ортмоқда. Ёшларни китобга ошно қилишда бундай лойиҳаларнинг ижобий таъсири улкан. Айни дамда мазкур мактабда 400дан зиёд ўқувчи таълим олмоқда.

БАНДЛИК КУН ТАРТИБИДА

Туркистон вилоти ҳокими қошидаги бола ҳуқуқлари, хотин-қизлар ишлари ва оилавий демографик сиёсат комиссиясининг навбатдаги мажлиси ўтди.

Кун тартибиде вилоят миқёсида хотин-қизлар ишсизлигини камайтириш чоралари, Туркистон вилоти ҳокими қошидаги хотин-қизлар ишлари ва оилавий демографик сиёсат бўйича комиссия аъзоларидан иборат тармоқларнинг амалга оширилган ишлари ва бошқа масалалар муҳокама

қилинди. Мажлисни комиссия раисининг ўринбосари Малика Жусупова олиб борди.

Тadbир якунига кўра, Туркистон вилоти ҳокими қошидаги комиссия хизматини кучайтириш чоралари мажмуаси қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, айни дамда минтақада 1 млн. 200 мингга яқин хотин-қизлар бор. Бу вилоят аҳолисининг 49,2 фоизини ташкил этади.

Республикадаги ҳар бир бешинчи бола Туркистон вилотида туғилди. Жорий йил 9 ойда 41 233 бола дунёга келган. Вилоятда демографик ўсиш даражаси юқори.

ИЖТМОЙЙ ИНШОТЛАР КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсен Тажибаев Сайрам туманига махсус хизмат сафари билан ташриф буюрди. Сафар чоғида минтақа раҳбарининг ўринбосари Қарасу қишлоқ округидаги касалхонанинг фаолияти билан танишди.

Мутасадди бошқармага Б. Тажибаев янги лойиҳадаги касалхона иморатининг қурилишини режага киритишни топширди.

Сўнг туб таъмирдан ўтаётган «Куншуақ» боғчасини текширди. Б. Тажибаев соҳа мутахассисларига таъмир ишларини вақтида ва сифатли якунлашни топширди. Вилоят раҳбарининг ўринбосари Манкент қишлоғидаги шифокорлик-амбулатория фаолияти билан танишди, туман вакиллари шахсий масалалари бўйича қабул қилди. Шахсий қабулга ёзилганлар кутубхона биносини барпо этиш, шифохона, мактаб барпо этиш, мавжуд мактаблар биносини таъмирлаш тақлифларини киритишди. Туман марказий кутубхона биноси 1968 йили барпо этилиб, сўнги бор 2011 йилда таъмир ишлари юритилган. Унинг айтишича, бу ерда китоб сақлайдиган омбор ўринлари тақчил. Бу борада Б. Тажибаев янги намунадаги кутубхонанинг тайёр лойиҳаси мавжудлигини айтди. Шунингдек, Манкент қишлоғи вакили тез тиббий санитария ёрдами кўрсатиш марказини барпо этиш зарурлиги масаласини кўтарди.

Қабул чоғида тегишли бошқарма ва бўлим раҳбарларига топшириқлар берилди.

БЕБАҲО БОЙЛИК, УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР



Ақсу-Жабағли қўриқхонаси, «Еco Village KASKASU», Оқ масжид, Бургулик, Тау самали – буларнинг барчаси Қозоғистонда машҳур. Бу жойларда дам олишни истовчилар ҳам, уларга шароит яратиб берадиган тадбиркорлар ҳам кўп.

Сайёҳлик соҳаси Тўлебий туманида сармоя асосида жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида туманга киритилган сармоя миқдори 24,6 миллиард тенгеге етди. Туманда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган жойлар сони 140тага етди. 2023 йилнинг 9 ойида туманга 31 884 нафар дам олувчи келган. 2025 йили уларнинг сонини 55 мингга

етказиш режаланмоқда. Айни пайтда хусусий тадбиркор Еркинбек Бексултан Олатов қишлоғида умумий қиймати 100 миллион тенгелик дам олиш масканини ишга туширмоқда. Шунингдек, Нисанбек овулида 800 миллион тенгелик дам олиш маскани очилди. Бундан ташқари, Оқмасжид дарасида ҳам дам олиш маскани барпо этилди. Зертас қишлоғида эса

хусусий тадбиркор Қ. Қўжамжарова бия сути билан соғломлаштириш марказини ишга туширди.

Қозоғистонликларни маданий ҳордиқ қизиқтирса, хорижлик сайёҳларни эса этнотуризм кўпроқ қизиқтиради.

Хорижлик сайёҳларнинг аксарияти «Сайрам – Ўғам» сайёҳлик компанияси билан боғланиб, меҳмонхона уйлارга жойлашади. Уй эгалари билан тоққа ё отда ё пиеда чиқишади. Уларга хизмат кўрсатиш мақсадида тадбиркорлар сартарошхона, этикдўзлик ва бошқа устахоналар очишмоқда. Инфратузилма ҳам ривожланмоқда.

– Оқ масжид ва Бургуликка газ тортилди, Қасқасу ҳам газлаштирилмоқда, – деди туман ҳокими Тўлеген Телғараев журналистлар билан учрашувда. – Электр энергияси етиб бормаган қатор қишлоқларда қуёш батареялари ўрнатилмоқда. Қасқасуда инфратузилма қурилиши учун 52 гектар ер ва 1,2



млрд. тенге маблағ ажратилди. Яна 1,3 млрд. тенге ажратилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 22 млрд. тенге. Туристик-рекреация мажмуаси лойиҳасига кўра умумий узунлиги 23 қақримдан ошадиган 19та марказий йўл барпо этилади. Шунингдек, тоғ-чанги спорти федерацияси (FIS) сертификатини олсақ, бу ерда халқаро мусобақалар ўтказилиши мумкин. Мажмуа бир вақтда 8500 сайёҳга хизмат кўрсата олади. Қасқасу дарасининг бетакорр табиати ва экологик мувозанатини асраш мақсадида замонавий табиатни муҳофаза қилиш технологияларидан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда дам олиш минтақаларида сайёҳлар билан тил топишиб кета олади-

ган тажрибали мутахассислар етишмаяпти, айниқса, инглиз тилини биладиган ёшлар кам.

Сайёҳлар келаётган қишлоқларда қимиз ва миллий таомларга талаб катта. Шунинг учун тоғолди қишлоқларидан ўтаркансиз, ҳар икки уйнинг бири меҳмон кутиб олишга тайёрдай туюлади. Аслида ҳам шундай. Бургулик дарасига сайёҳларнинг қизиқиши бежиз эмас. Археологлар бу ерда Қорахонийлар даврида олтиндан ясалган муҳр топишган. Қўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Аҳмадjon Каримов эса эски ўрикнинг илдизини олиб ташлайман, деб, бебаҳо ҳазинага дуч келган.

Ярим метр чуқурликда бундай катта тош бўлиши мумкин эмас, деб ўғилларини ёрдамга чақиради. Катта бинонинг де-

вори кўринади. У майда, куйдирилган ғишдан кўтарилган экан. Олимларнинг аниқлашича, топилма 20x20 метр ҳажмдаги бир неча хонадан иборат ҳаммом биноси экан. Унда ишлатилган ғишт эса IX-X асрларда Бухородаги сомонийлар сулоласи амира, Ўрта Осиёда давлат шаклланиши асосчиси Исмоил Сомонийнинг мақбараси қурилишида ишлатилган экан. Сомонийлар даври Ўрта Осиё тарихига маданиятнинг юксак чўққига кўтарилган даври сифатида кирган.

Бино қурилишида бир неча миллион майда ғишт ишлатилган ва улар яхши сақланган. Бу ерда очик осмон остидаги музей очиб мақсадга мувофиқ.

Б. РЎЗИМАТОВА.
Муаллиф тасвирлари.



ОЛТИН КУЗНИНГ ОЛТИН ЛАҲЗАЛАРИ

Оқсувкент қишлоғидаги Қ. Жандарбеков номли Маданият уйида қишлоқ хўжалиги ходимларининг анъанавий “Олтин куз – 2023” байрами нишонланди. Тадбир Мартўбе майдонида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси билан бошланди. Унда деҳқонлар ва тадбиркорлар аҳолига ўз маҳсулотларини тавсия қилишди.



Тадбирда туман ҳокими Арман Сабитов иштирок этиб, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшган ходимларни байрам билан табриклади.

– Бу йил туман деҳқонлари ва чорвадорлари мазкур байрамга залворли ютуқлар билан етиб келишди. Соҳада йил бошидан буён 103,2 млрд. тенгелик маҳсулот етиштирилди. Деҳқонларнинг машаққатли меҳнати туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 8,1 миллиард тенгеге ошди. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқларда ушбу байрамда иштирок этаётган туман меҳнаткашларининг ҳиссаси улкан, – деди Арман Сабитули.

Қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса кўшган қишлоқ ҳокимлари, шунингдек, пешқадам деҳқонлар, тадбиркорлар, соҳа вакиллари туман ҳокимининг ташақкурномалари билан тақдирланди.

Дастлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда юксак кўрсаткичларга эришган қишлоқ ҳоким-

ликлари махсус диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. Жумладан, агросаноат мажмуасининг асосий капиталига 2,4 миллиард тенге сармоя жалб этган Қайнарбулоқ қишлоқ округи (ҳоким Есбўл Дуйсебаев) 1-ўрин, агросаноат мажмуасининг асосий капиталига 354,0 млн. тенге сармоя жалб этган Кўлкент қишлоқ округи (ҳоким Ўткир Йўлдошев) 2-ўрин, агросаноат мажмуасининг асосий капиталига 598,0 млн. тенге сармоя жалб этган Манкент қишлоқ округи (ҳоким Абдуғани Саидмуродов) 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Орис қишлоқ округидаги “Талип” ДХ раҳбари Дилмурод Орибқулов “Энг яхши томчилатиб сўғориш усулини жорий қилувчи”, Оқсувкент қишлоғидаги “АҲКАН” МЧБ раҳбари Алмагул Айқан “Энг яхши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи”, Қайнарбулоқ қишлоғидаги “Gen Group Kazakhstan” МЧБ раҳбари Сабирижан Утешев “Энг яхши сармоядор”, Қорамурт қишлоқ округидаги “Дар-СС” МЧБ раҳбари Сергей Долгов “Энг яхши галлакор”, Манкент қишлоғидаги “Шерзад-1” деҳқон хўжалиги раҳбари Шухратбек Абдиқаримов “Энг

яхши сут йиғувчи”, Қорасув қишлоғидаги “Алма” ИЧШ раҳбари Ақилбек Шалқаров “Энг яхши гўштни қайта ишловчи”, Манкент қишлоғидаги “Тўран Агро Ет Сўт” ИЧШ раҳбари Суҳроб Эргешов “Энг яхши гўшт экспортчиси”, “YUG-GROUP-INVEST” МЧБ раҳбари Надир Читилов “Энг яхши корхона жонлантирувчиси”, Қайнарбулоқ қишлоғи округидаги “Көмеш балық” МЧБ раҳбари Даулетали Абдраманов “Энг яхши балиқ етиштирувчи”, Кўлкент қишлоғидаги “Худойберген Ш” ДХ раҳбари Худойберген Абдиқалиев “Энг яхши уруғлик тайёрловчи” номинациялари, шунингдек, қимматбаҳо совға ва ташақкурномалар билан тақдирландилар.

Шунингдек, 38 нафар ходим қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўшган ҳиссаси учун туман ҳокимининг ташақкурномаси билан тақдирланди.

Байрам концерт дастурига уланиб кетди.

3. МҲМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



АЛВИДО, УСТОЗ!



Зарофат Жумашова 1935 йили Шимкент шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Унинг болалик ва мактаб давлари Улуғ Ватан уруши йилларига тўғри келган. Зарофат Абдиқайом қизи 1943 йилнинг 1 сентябрида шаҳардаги 6-сонли ўрта мактабнинг 1-синфида қабулланиб, 1953 йили мазкур илм даргоҳини “Олтин медал” билан тамомлайди.

Шу йили Шимкент шаҳридаги Педагогика институтининг “Рус тили ва адабиёти” факультетида ўқишга кириб, 1958 йилда қизил диплом билан битиради. Сўнг Сайрам туман комсомол кўмитасига йўриқчилик вазифасига ишга йўлланади. Ёш, иқтидорли ўқитувчини 1959 йили Қорабулоқ қишлоғидаги ягона 3-сонли И. Сталин (ҳозирги Ҳамза) номли ўрта мактабга рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида ишга юборишади.

Кўп йиллар давомида қилинган ҳалол меҳнат, ор-номус билан ёш авлодга берган таълим ва тарбия беиз кетмади. 1976 йилда Зарофат Жумашова “Меҳнат Қизил Байроқ” ордени билан тақдирланди. У самарали хизматлари учун 1980 йилда Қозоғистон халқ маорифи аълочилиги унвони, 1989 йилда “Меҳнат фахрийси” медали соҳибаси бўлди. 1980 йилдан то нафақага чиққунга қадар Сайрам тумани маориф бўлимида рус тили ва адабиёти фани услубий бирлашма раиси лавозимида фаолият юритди.

Зарофат Жумашова 1992 йилда фахрий ҳордиққа чиқди. Устознинг минглаб шогирдлари юртимиз, қўшни республикаларнинг турли минтақаларида фан номзодлари, турли соҳаларнинг етук мутахассисларидир. Устоз-мураббий 2010 йилда “Жамоат фахрийси”, 2015 йилда фронт-торти меҳнатлари учун “Улуғ Ватан урушининг 70 йиллиги” медаллари билан ҳам тақдирланган.

Жорий йил 4 октябрда сеvimли ва мўътабар устозимиз 89 ёшни қаршилаш арафасида оламдан ўтди. 27 неварга, 37 эваранинг суякли бувижониси бўлган Зарофат Абдиқайом қизининг охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин, қабри нурга тўлсин.

Ҳамза номли умумий ўрта мактаб жамоаси.

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли умумий ўрта мактаб жамоаси муаллима Гулчехра Абдинабиевага қайнотаси

МҲМИНЖОН ота-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

>>> Обунчиларимиз орасида

ЯНГИ ҚОНЛИКЛАР – ЯНГИЛИККА ТАШНА

Янги Иқон қишлоғига сафаримизда вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси, шоир Бобожон Ёқубов, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ўсар Неъматуллаев, таниқли боғбон, вақтини аямай, газеталарни муштарийларга етказиб бераётган Олим Қосимовлар ҳамроҳлик қилишди.



Ҳамқишлоқларини газетга фаол обуна қилдираётган бу фидойи инсонларга тахририят тавсияси билан Райимжон Қўчқоров раҳбарлигидаги "Ўлес" хайрия жамғармаси томонидан "Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси" унвонлари берилган. Худди шундай унвон соҳибни, қишлоқ округи ҳоқими Тойир Абдаев шахсан ўзи 20 нусха обунага ҳомийлик қилиб, қишлоқдаги давлат ташкилоти раҳбарлари давват ва тар-



ғиб этилишини таъкидлади. У Саврон тумани ҳоқими Мақсат Тангатаров ташрифи, ҳамқишлоқлари томонидан қўйилган вазибалар ижроси, сув омбори қурилиши ҳақида маълумот берди.

Уткир Қудретов раҳбарлик қилаётган М. Улуғбек номли мактаб кутубхоначиси Аяжон

лаётган "Жаңа Иқан" мактаби жамоаси келаси ярим йилликда 50 нусха газетани шартнома асосида олиб ўқийдиган бўлди. Ушбу мактабда хайрли ташаббуси шоҳиди бўлдим. Устоз руҳшунос Нозима Шопўлатова ҳамда ўқувчиларнинг жамоатчи сардори Азизбек Ажажоновлар кам таъминланган ўқувчи-

кунда ўз фаолиятини бошлаб, тажрибали ўқитувчи Муҳит Камолов раҳбарлигида 20 нафар муаллимлар ёш авлодга таълим-тарбия бераётган экан. Директор М. Камолов устозлар жамоасининг тўлиқ обуна бўлишини тасдиқлаб, шартномани имзолади. Ҳар бир мактабга таш-



Исмоилова ҳамкасблари билан бамаъна ҳолда 60 нусха, Саиджалол Ўрмонов раҳбарлик қилаётган ДАРЫН.КЗ мактаби директор ўринбосари Шоҳида Камолбекова 50 нусха обунани расмийлаштирилди. Саврон туман маслаҳати депутати, тадбиркор Дилмуҳаммад Ирисбоев барпо этган, Дилноза Мўминова раҳбарлик қи-

лар учун ўқув анжомларини халид қилиш мақсадида ибратли хайрия тадбирини ташкил этишибди. Муруватли ташаббус таҳсинга лойиқ. Газетамизнинг аввалги сонларида тадбиркор Д. Ирисбоев саъй-ҳаракатлари билан Янги Иқон қишлоғида яна бир мактаб барпо этилаётгани ҳақида маълумот бергандик. Ушбу мактаб бугунги

рифимиз чоғида устозлар жамоаси билан мулоқотда бўлди. Дарслик таъминоти масаласида тахририят томонидан амалга оширилаётган ташкилий тадбирлар ҳақида маълумот бердик.

Тўқсон ёш сари дадил одимлаётган нуруний муштарийимиз Бобожон ҳожи Ёқубов қўлларини дуога очиб, элга тинчлик, юртга омонлик, ёшларга таълим-тарбия бераётган устозлар аҳлига мустақам саломатлик ва саодат тилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Янги Иқон қишлоғидаги муштарийларимиз билан учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.



>>> Обуна – 2024



МАҲКАМБОЙ ОТА ЎФИЛЛАРИ ИБРАТИ

Туркистон шаҳридаги таниқли тадбиркорлар, УВУ фахрийси Маҳкамбой отанинг ҳимматли тадбиркор фарзандлари, ака-ука Мирзахон ва Ғайрат Акешовлар вилоят маркази кўрғига кўрк қўшаётган бунёдкорлик фаолияти билан биргаликда жамоат ишларида барчага иб-

рат. Ҳамза номли мактабнинг 105 йиллик халқаро тўйига мўноси ҳисса – моддий ёрдам кўрсатганларини мисол келтириш мумкин. Ака-укалар она тилимизда давлатимизнинг тинчлик, тотувлик ва ҳамкорлик сиёсатини тарғиб этаётган "Жанубий Қозғистон" газетаси обуна-

сида ҳам пешқадам. Республика куни байрами шарафига Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси томонидан ака-ука Акешовларнинг кифтига тўн ёпилиб, ҚР "Дўстлик" ҳамжамиятининг "Дўстлик" медаллари ҳамда "Жанубий Қозғистон" тахририятини номидан ташаккурномалар Ғайрат Маҳкамбой ўғли бунёд этган "Қайрат" спорт мажмуаси очилиши тантанасида тақдим этилди.

Таваллудига жорий йили 103 йил тўлган Маҳкамбой ота хотираси ҳурматида унинг фарзандлари Мирзахон ва Ғайрат Акешовлар 103 нусха "Жанубий

Қозғистон" газетаси обунасига ҳомийлик қилмоқдалар. Газета саҳифаларида уларнинг бунёдкорлик фаолияти батафсил ёритилмоқда.

Мукофотларни "Жанубий Қозғистон" тахририяти бош муҳаррир-директори Райимжон Алибоев ва Ҳамза номли мактабнинг собиқ директори, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Замир Муҳаммаджоновлар тақдим этишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: халқ эҳтиромига сазовор ака-ука Акешовларни тақдирлаш чоғида.

Муаллиф тасвири.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – ИНСОНИЯТНИНГ АЗАЛИЙ МАВЗУСИ

Ҳамза номли 3-сонли умумий ўрта мактабда "Мўрагер" республика жамоат бирлашмаси" аъзолари – Қорамурт, Манкент, Оқсувкент, Қорабулоқ, Кўлкент қишлоқларининг "Тинчлик шартномаси" ҳарбий кучлари фахрийлари мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказишди.



Мулоқот давомида "Мўрагер" республика жамоат бирлашмасининг Сайрам туман филиали раиси Муҳаммадали Алиев ва уюшма аъзолари томонидан мактаб ўқувчиларига "Ёшлар тарбияси – инсониятнинг азалий мавзуси" доирасида келажакимиз ворислари бўлмиш бугунги ёшлар инсониятнинг эзгуликларини давом эттирадиган издошларимиз эканлиги, ҳар бир фарзанд ёшлигидан инсоний фазилатларни ўзида синдириб борса, одоб чашмасига қонган, камтаринлик ва жасорат либосига ўранган,

жамоатчи-жонкуяр ташкилотчи, ташаббускорлар сарқори бўлса, меҳнатсеварлик зийнати билан безанса, эл-юрт олдида юзи ёруғ, қадами дадил, келажакни порлоқ бўлади, дея ўғит-насихатлар беришди.

Шунингдек, "Тинчлик шартномаси" ҳарбий кучлари фахрийлари собиқ иттифоқ даврида чет мамлакатларда ҳарбий бурчини ўтаганларнинг мактабни юксалтириш масаласи илгари сурилаётганини ҳам таъкидлаб ўтишди. Тадбир якунида жамоат бирлашмасининг Сайрам тумани филиали раиси

Муҳаммадали Алиев мактаб директори Эркин Холниёз ўғлига ушбу жамоат бирлашмасига аъзолик гувоҳномасини топшириб, "Варшава шартномаси" ва "Тинчлик ва социализм иттифоқи" медалларини тақдим этди.

Қизиқарли ўтган тадбир давомида ўқувчилар ўзларини кизиктирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Садоқат, мардлик, жасорат ва меҳнатсеварликни ёш авлод руҳиятига синдиришни инсоний бурч билган фахрийларимизга мактабимиз жамоаси номидан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Бундан бўён ҳам ўқувчиларни ватанга муҳаббат, ватанварварлик руҳида, эл қорига камарбаста инсонлар сифатида тарбиялашимизда бу каби тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти залворли бўлиши табиий.

З. СОЛИБЕКОВА,
Ҳамза номли умумий ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлари бўйича муовини.
Сайрам тумани.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

"Туркистондан – Абу-Даби"га!

Туркистон вилоят йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармаси ҳамда Туркистон халқаро аэропорти ташаббуси билан БААнинг «Wizz air Abu Dhabi» авиакомпанияси 2024 йил 16 январдан «Туркистон – Абу Даби» йўналиши бўйича парвозларни бошлашни режалаштирмоқда.



Қатновлар ҳафтасига 3 марта – сешанба, пайшанба, шанба кунлари замонавий «Air Bus 321» самолётларида амалга оширилади. Парвознинг бир йўналиши – 20 минг тенгедан бошланади. Чиптани «wizzair.com» расмий сайтдан, мобил илова орқали ёки онлайн чипталар сотиш хизматларидан олиш имконияти мавжуд. Парвоз вақти – 3 соат.

Янги йўналиш ҳар икки шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун сайёҳлик имкониятларини кенгайтиради. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Туркистон халқаро аэропорти Истанбул ва Ал-Кувайт ҳамда давлатимизнинг Астана, Алматы, Ақтау, Ақтўбе, Урал ва Қарағанди авиакомпанияларига хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ, Авазхон БҮРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзёқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Туллубий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.
Тулқибоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилик учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Фойдаланилган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўзنامага олинди. КЗ34ВР00022503 гувоҳнома берилган.

«ERNUR-print» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.

Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нусха.

Набатчи муҳаррир: Хуршид ҚУЧҚОРОВ.